



HURRIYAT

2001-yil
21-27-
noyabr

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

Har chorshanba kuni chop etiladi



Она-боланинг бахти

Шавкат АҚРОМОВ ФОТОСИ

Суҳбат

ХУСУСИЙ ГАЗЕТАНИНГ ФАРҚИ НИМАДА?

Хусусийлаштириш кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Атрофга бир боқинг: хусусий корхона, хусусий ресторан, хусусий шифона, хусусий ҳаммом... Боринги, газетачилик ҳам бундан четда қолмади.

Хўш, хусусий газета давлат газетасидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Ундаги ходимлар фаолиятининг аҳамиятли томони қандай? Умуман, хусусий газета чиқаришдан бош мақсад нима? Давлат газеталари ва хусусий газеталар тиражи орасида фарқ ошиб кетаётганлигини сири нимада?

“Эрудит” ижодий маркази қошида чиқарилаётган “Эрудит” — бошқотирмали, кўнгилочар газетасининг бош муҳаррири Светлана Березнякova билан ана шу саволлар атрофида суҳбатлашмоқчи эдим, ўз-ўзидан бошқа гаплар ҳам қилиб қолди...

— Света опа, чорак асрдан орттириб вақт “Саркандский вестник” вилоят газетасида ишлаб, бирдан хусусий газетга ўтиб кетдингиз. Қаерда ўзингизни ўнгайроқ сезасиз?

— Кузатишларимдан амин бўлдимки, юртимизда, айниқса, вилоятларда кўплаб журналистлар давлат газетасидан хусусий газетга ўтишга тайёр эмас экан. Биз одатлиб қолганимиз: ўлчанган иш вақти, белгиланган маош, ёзсанг қалам ҳақи, қандайдир топшириқ, режа — ҳаммаси бир маромда. Қисқаси, давлат газетасида нисбатан тинч, осуда ҳаёт. Хусусий газетга эса бундай эмас, иш мудом қайнайди. Бу ерда ходим бор қувватини сарфлаши керак, қўлоқроқ қилиб айтганда, унинг бутун кучи сиқиб олинади. Чунки мулкдор газетасида ортиқча ишчини сақламайди. Дeyлик, бир хил ҳажмдаги ишни бажаришда давлат газетасида 15 киши жалб этилса, хусусий газетга 4 та ходим етарли ҳисобланади. Тўрт йил илгари “Сўғдиёна” ша-

хар газетасини йўлга қўйиш учун ишга таклиф этилганимда ана шу нарсани илк марта туйдим. Бир қарашда хусусий газета — мустақил. Аслида эса, хўжайиннинг — аниқ кишининг фикр-мулоҳазаси билан албатта ҳисоблашиб, унинг дунёқараши доирасида ишлашга тўғри келади. Мулкдор газетани ўқишли бўлишни талаб қилиш билан бирга ҳар бир материал назорати остида эканлигини ҳис эттириб туради. Хуллас, хўжайиннинг диди билан, у сандан қандай ишни кўришни истаётганини билиб газета тайёрланади.

— Кечирасиз-у, унда ўзингизни ёлланган ишчи-дек ҳис қилмайсизми?

— Ёлланган ишчи... Албатта. Бошқача қилиб айтганда, одам ўз уйда яшаса қандай-у, ижара уйда истиқомат қилса қандай?! Тўғри, хўжайинлар ҳам ҳар хил бўлади, бироқ яна мулкка эгаллигини туйдириш кўпроқ, бошқасида камроқ...

— Бунинг устига дам олишга мўлжалланган газетани жиддий эмас, деб

ҳисобловчилар “Дадиладил мақолалари билан вилоятда танилган журналистнинг ўрни ўйинли газетга эмас”, — дейишмайдими?

— Айтишадми. Ҳамма гап шундаки, журналист хусусий газетга у ерда ишлаш кизикроқ туолгани ёки кўп ишлагани келганидан ўтмайди. Журналист ўз хизмати яхшироқ қадрланган жойни излаши табиий. Хусусий газетга а-а-анча кўп тулайди.

— Света опа, ҳис этиб турибман, шу гаплардан сўнг газетхон кўнглида “Айнан қанча, неча сўм?” деган савол пайдо бўлади.

— Бу тижорий сир. Ҳар қандай фирмада бўлганидек, бир қатор маълумотларни ташқарига чиқариш бизда ҳам тақиқланади.

— Давлат газетасида ишлаётган дeяри ҳамма ҳамкасблариниз реклама, тижорий чиқишларни уюштиришга, шу йўл билан сиз айтган бўлишқини тўлдирингиз ҳаракат қилишадми. Тўғри, бунда корхона, ташкилот томонидан

кўчирилаётган маблагнинг ҳаммаси муҳбир қўлига тушмайди. Лекин салмоқлироқ пул устидаги шартномадан унга тегадиган 25-35 фоизининг ўзи ойлик маошдан кўп.

— Қайсидир мавзунини ёритиши вазида қилиб қўйилган журналистнинг тижорий ишлар билан шугулланиши тўғри эмас, деб ўйлайман. Рекламани фақат тижорат бўлими ходимлари уюштириши керак. Дeyлик, мeн қайсидир эшикка кириб борман, тижорий мақола ёки байрам табриги тайёрламоқчи эканлигимни айтаман. Уша корхона раҳбари ёки бирор масъули ана шу матбуотдаги чиқишдан моддий манфаатдорлигини жуда яқин билади. Бирпасда кичрайиб қоламан, мутеликни ҳис этаман. Шу объект билан шартнома тузилганидан бўлса, энди уни ҳеч қачон танқид қилолмаслигини олдиндан биламан. Шундай воқеа эсимда. “Вестник”да бир корхона ҳақида анчайин ўткир танқидий мақола чиқди. Оддий газли сув идишга солиниб “салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган”лиги ва бу “маҳсулот” ри-соладаги нарҳида сотилаётганини аниқ фактларда исботлаб берилганди. Қандайдир вақт ўтган, бу корхона раҳбари бизнинг газетга бир саҳифалик тижорий мақола буюртма бериб, уни айнан мeн тайёрлашимни сўраган. Шунда мeнинг ҳолимни тасаввур қилинг. Албатта, қатъийот одам сифатида таклифни рад этдим.

(Боши 1-бетда)

МММда

“СЕТОРА” КОНЦЕРТ БЕРМОҚДА

Ўтган ҳафтада Миллий матбуот марказида “Сетора” гуруҳининг 18-24 ноябрь кунлари муҳташам “Халқлар дўстлиги” саройида бўлиб ўтадиган “Энг яхшиси Сиз учун” деб номланган концерт дастуридан олдин Оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда “Тарона” режиссёр студияси директори Сарвар Раҳматуллоев, менежер Шаҳноза Саидқосимова ҳамда “Сетора” гуруҳи кизлари — Феруза ва Камилла қатнашди.

— Бизнинг навбатдаги концерт дастурида ўзига хос ранг-барангликни кўриш мумкин, — дейди “Се-

тора” кизлари. — Яъни бу галги уюштирилган концертимиздаги кўшиқларимиз нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги юртдошларимиз учун ҳам мўлжалланган. Хусусан, уларда она юртга, дўсту-ёрға садоқат ва вафо тараннум этилади.

Шунингдек, концерт дастурида янги кўшиқлар билан бир қаторда аллақачон муҳлислар қалбидан ўрин эгаллаган қатор кўшиқлар ижроси ҳам кўзда тутилган.

Узаро очик мулоқот тарзида ўтказилган маъзур матбуот анжуманида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Нилуфар ПИРМАТОВА

Хабар

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРАДДУДИ

БМТнинг Афғонистондаги вакили Лаҳдар Браҳими Берлинда Афғонистондаги этник гуруҳлар вакиллари ўртасида учрашув ўтказишга қарор қилди. Бундан кўзланган мақсад эса толибонларни Қобулдан чиқиб кетганидан сўнг мамлакатда янги ҳукумат барпо этишга келишиб олишдан иборатдир.



Ушбу таклифни у БМТ мудофаа консулига шу ҳафтада расман эълон қилади. Браҳими муовини учрашувга таклиф этиш мақсадида Қобулда Шимолий иттифоқ вакиллари ва маҳаллий раҳбарлар билан 3 кун мобайнида музокаралар олиб борган.

Хам

МИЛЛИЙ ТАТАР ШЎРВАСИ, ЎЗБЕКНИНГ ПАЛОВИ...

Соҳибжамол Фотиμα Режаметовага!

Фотиμαхон! Соч-соқолга оқ оралаб, салпал бўйиним ёр бериб, ҳаётимда учинчи кун рўза тутганим эди. Яқшанба, уйда кунни қандай ўтказишни билмай ўтирдим. Пешинга яқин, рамазон бўлмаса, первий-второйни пақос туширадиган пайти эмасми, телеэкранда “Очил дастурхон”ни кўрсатиб қолишди! Ўзи, Сизнинг чиқишингиз билан сафар бутун оила аъзоларимиз билан томоша қиламиз. Келин ойингиз ҳатто қизимизни, келинларимизни ёнига ўтказиб олиб, “Ана, Фотиμαхоннинг қўл ҳаракатларини, эпчилигини қаранглар! Хамир қоришлари, сабзи-пиёз тўғрашлари раққосларнинг ҳаракатларини эслатади-я!” деб оғзидан бол томб ўтиради. Бу сафар эса... жон, қизим, рўза май рамазон ойи бўлса, қоқ пешинда қорин қарнай-сурнай чалаётган бўлсада, Сиз татир миллий таомини қандай пиширишни кўз-кўз қилсангиз!.. Гушт тўғрашларингизга, қаймоқ солиб, қайноқ шўрвани сузаетганингизга қараб туриб... бунақада

рўзам очилиб кетса, жавобини ким беради? Илтимос, қизим, кўнглингизга оғир олмаг, фақат шу “Очил дастурхон”ни кўнгузларий такрор кўрсатиш мумкинми-кан демоқчиман-да.

Айтмоқчи, “Ешлар” каналининг кўрсатувлари жони-дилим эмасми, кечаги ақшанба кунини Сиз кўрсатувини тутатган “Яратганга шукр” фильминини беришганини қаранг! Татар миллий шўрваси ҳам холва бўлиб қолди! Зулфиқор Мусоқов деган дилбар киночи бор-ку, ўша йигит ишлаган фильмин такрор кўрсатишди. Бошидан охиригача чойхонапаловни тайёрлаш манзаралари-я! Бай-бай-бай-й! Ўзимизга таниш артист йигитлар ошалаб-ошалаб, паловчон тургани...

А, буюқда каммина амакингиз ҳаётимда энди-гина учинчи кун рўза тутган бўлсам, кун э-эндигина қоқ пешин бўлса... Хеч бир банди дилини ранжитиш муддаосидан йироқ бир ниёт билан

ТОМОШАВИН

Хотура

ТЎҒОН РЕЖАМЕТОВНИ ХОТИРЛАБ

Куни кеча Республика киночилар уйида Ўзбек миллий театр ва киносиний йирик намоёнаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаметов хотирасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбек театри ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Муҳаммадали Абдуқундузов олиб борди. Ижодий кечада Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Тоир Исомов, Арсен Исмоилов, Исмаил Эргашев каби меҳмонлар санъаткор ҳақидаги самимий хотираларини сўзлаб бердилар.

Сайрамлик актёр Тўғон Режаметов изланувчан, истеъдодли ижодкор бўлиш билан бирга оилада вафоли ёр, меҳрибон ота ҳам эди. Унинг умр йўлдоши Ширин Азизова фарзандларини отаси орзу қилганидек тарбия қилди. Санъаткор ўзидан мафтунок образлар билан бирга халқимизга сиқидилган хизмат қилувчи катта санъаткорлар сулоласини қолдириб кетди. Таниқли актёр театр сахнасида 40 га яқин, кинода эса 30дан ошқ ажайиб образлар яратиб халқ қалбидан жой олди. Ра-вил Ботировнинг “26-си

отилмасин” фильмидаги Саид Исломбек образи актёрга шухрат келтирди.Худди Сойибхўжаев Ташболта ошқ сиймосида гавдаланганидек, Тўғон Режаметов Саид Ислом бўлиб кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Тўғон ака қисқа умри давомида йилларга татиғулик ҳаёт кечирди, яратган образлари орқали халқимиз хотирасига мангу муҳрланди.

Нафиса АБДУВАХОВА,
М.Ўйгур номидан Тошкент давлат Санъат институтини журналистика бўлими толибаси

Жавоб

“ГАЗИТ, МЕНИ ИШОНТИР”

“Хуррият” 43-сон

“Хуррият”нинг аввалги сониди “Газит, мени ишонтир” сарлавҳали мақолани ўқиб менда “Хуррият”га муносабат ёзиш фикри туғилди. Мақоланинг бошида журналистнинг Янгийўл шаҳар бозори ичидаги газета сотиб ўтирган аёл билан бўлган суҳбат билан бошланади. Газета сотиб ўтирган аёл сотаётган газеталари орасида “Халқ сўзи”, “Хуррият” ва бошқа ижтимоий-сиёсий газеталарнинг йўқлигини маълум қилибди. Аслида ўша аёл бизнинг ташкилотда ишламайди.

Кўчада газета сотиб юривчилар ҳозирги пайтда жуда ҳам кўпайиб кетди. Улар биронта ҳам ижтимоий-сиёсий газеталар сотишмайди. Уларда мақолада кўрсатилгандек, “Даракчи”, “Тасвир”, “Постда” ва ҳар хил программали газеталардан таширилган беҳаё, ярим-яланғоч расмлар туширилган газета-журналлар ҳам сотишадми. Негадир уларнинг мушунгачи ҳеч ким “пишт”, демаяди. Улар энг гавжум ва энг қўлай жойларни эгаллаб олишган. Кўпларининг ҳатто тadbиркорлик билан шугулланиш учун патенти ҳам йўқ. Биз матбуот тарқатувчилар учун кўчада газета сотувчилар энг катта муаммодир.

Энди бизнинг ташкилотга келсак. Республика “Матбуот тарқатувчи” компаниясига қарашли Янгийўл туманлараро шўба хўжалик жамияти газета-журналлар обуна ва сотуви билан шугулланади. Шулар жум-

ласидан сотувда “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Хуррият”, “Туркистон”, “Правда Востока”, “Ташкентская правда”, “Ишонч”, “Ўзбекистон овози”, “Тошкент ҳақиқати”, “Время и Мы”, “Фидокор”, “Қадрият”, “Қишлоқ ҳаёти” ва бошқа газеталар бор. Ҳар ой ижтимоий-сиёсий газеталардан 57-60 минг сўмлик оламиз. Афсуски, шулардан 12-15 минг сўмлик газета сотилади, холос. Қолганини “Матбуот тарқатувчи” компаниясига қайтариб юборамиз. Бу эса компания учун зарар. Зарарга эса бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч ким ишламайди.

Мақолада дўкон сотувчиси деган сўзлар бор. Демак, бу бизнинг ташкилотга тегишли сўзлар. Лекин мeн айтганимдек, бизнинг дўконларда ижтимоий-сиёсий газеталар бор. Шу жумладан “Хуррият” газетаси ҳам. Мeн ўзимга келсак, ижтимоий-сиёсий газеталарни қизиқиб ўқийман. Шу жумладан “Хуррият”ни ҳам. “Хуррият” газетасининг таҳририяти газетхонларни ишонтира олишига ишонман. Таҳририят ходимлари газета мундарижасидаги мақолаларни қизиқари, ўқиш қилиб чиқарсалар газеталар дўконларда туриб қолмас, биз ҳам оворая сарсон бўлиб уларни компаниямизга қайтариб юбормас эдик.

Мирзахалд ҚОРАЖОНОВ,
Янгийўл туманлараро шўба хўжалик жамияти раҳбари

Янгилик

САҲНАДА “ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ”

Яқинда ана шу номдаги халқ чолғу оркестрининг тақдирот маросими бўлди. “Ўзбекрақс” қошида ташкил этилган маъзур оркестр бир-лашма бош директори Юлдуз Исмаилов ташаббуси ва композитор Мустафо Бафоев кўмагида дунё юзини кўрди. Тинимсиз қилинган, ижодий меҳнат туфайли юксак салоҳиятли созандалар танлаб олинди, янги жамоа учун янги асарлар яратилди. Шу тариқа ўзининг ижро услуби, салоҳияти, техник маҳоратига эга бўлган янги оркестр ташкил топди. Унинг бошқариларидан фарқли томони танланган асарларнинг мазмуни, Фарб ва Шарқ чолғу-

ларининг муносиб қўлланилиши, айниқса созандаларининг бир вақтинги ўзида баъзи асарлардаги замзама, оҳанг ва сўз воситалари билан ижрочини бойитганликидир.

Мутахассислар фикр ва мулоҳазаларига таянган ҳолда янги ташкил топган ижодий жамоа репертуари, ижрочилик маҳорати ва салоҳияти халқро талаб даражаларига тўла мос келади, дейишимиз мумкин. Бироқ Ўзбек халқ чолғуларини оркестрининг келажаги ва ҳаётда тутадиган ўрни тингловчилар берадиган баҳога бог-лик.

Элвира ЯҒАСОВА

Обуна - 2002

ҚУЛОҒИНГИЗГА ГАЛИМ БОР



Жакартада chop этиладиган энг йирик газета — Rakyat Merdeka “Халқ овозлиги”да ишлайман. Газетамиз ҳар кун 200000 нусхадан chop этилса-да, “Хуррият”ни кўрмасам туролмайман, унинг ашаддий муҳлисман. Газетдаги энг қизиқарли мақолаларни таржимон орқали ўқиб оламан. Айниқса, “Йў-ё!”, “Овоза”, “Ажабо”лар жону дилим-да! Уларни бир ўтиришда “пақос” туширвораман. Узиям жа-а топишадми-да, қурмагурлар.

Кулоғингизга бир гап айтсам, бировга “сотиб” қўймайсизми? “Хуррият”ни ҳар ҳафта подприлавка баҳосида олаверини чўнтак ҳадеб кўтаравермасан, тўғрироғи, қурғур “кўки”дан бизда ҳам тақчилроқ.

Кўзимни чирт юмиб “Хуррият”га келгуси йил учун бирйўла ёзила қолсам-чи? Сиз-чи, сиз, нима дейсиз?

Тегух САНТОСА,
журналист

Журналист текшуруву

Суд қарори ўқиб эшиттирилди. Даъво қаноатлантирилиб, норози бўлган томоннинг қонунда белгиланган 20 кунлик муддат ичيدا юқори суд идораларига шикоят қилиш ҳуқуқи борлиги таъкидланди. Бу жумлалар таъмин иллага кўра қарорга ҳам қўшиб қўйилди. Бун фақат суд мажлисида иштирок этганларгина билишди. Аммо судда қатнашмаган жавобгар қарор мазмунини баҳарар эди.

Тахририятимизга шикоят хати йўллаган Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Йўлдош Бойназаров суднинг кейинги мажлисида қатнашмаганлигини, унинг қарорини бир ой ўтиб кетгандан кейингина олган, чорасиз қолиб наҳот истаб бизга мурожаат қилганлигини баён этади. Йўлдош Бойназаров асли хоразмлик, Янгиарик туманида туғилган ўсган. Тошкентда яшаётганига ҳам 30 йилдан ошди, пойтахтдаги авиасозлик заводда ишлайди. Қариндош-уруғлари, қудандарларнинг кўпчилиги Хоразмда яшашади.

Эрта баҳор палласи — 1994 йилнинг март ойида Янгиарикдан қудалари — эр-хотин Қўзибой Абдуллаева ва Гулора Матёкубова меҳмон бўлиб келишди. Гулорун орасида ота макони — Хоразмда ҳам бир жойи бўлса ёмон бўлмаслиги ҳақида гапирди. Меҳмонлар Янгиарик тумани марказидаги Гулоранинг номида бўлган хонадонни сотмоқчи эканлигини, мабодо Йўлдош ака рози бўлса, мениб юрган "Москвич" машинасига уни алмашиши мумкинлигини айтишади. Уйни автомашинага айирбошлаш таклифи икки томонга ҳам маъқул тушиб, ўртада бор-баракча савдо пиццилади.

Йўлдош Бойназаров ўз номида бўлган автономнинг бошқарув ҳуқуқини берувчи ишонч қоғозини Қўзибой Абдуллаева номига расмийлаштириб, уловнинг жойини қудаси қўлига тутқазди. Қолган олди-сотди шартномасини Хоразмга борганида нотариал идораси орқали расмийлаштиришга аҳд қилишди. Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтади, Йўлдош ака Хоразмга келганида Қўзибой Абдуллаева уйни унга тезроқ бўшапти бормоқчи эканини, фақат қишлоқдан олган участкасини тиклаб олиши учун ундан 5 миллион сўм-қулпон қарз сўрайди. Қудачилик эмасми, Йўлдош Бойназаров ишнинг тезроқ битиши учун қуданинг раъини қайтармади. Узининг турмушга уқаси Хамро Божоновнинг уйда Қўзибойга 4 миллион сўм-қулпони акиси Фарход Бойназаров ҳамда уқаси Хамронинг гувоҳлигида санаб беради. Қолган 1 миллион сўм-қулпони кейинроқ акиси Фарходдан олади.

Воқеанинг бунчалик ипидан-иғнасигача баён қилишимизнинг боиси, охири-оқибати маъшу ҳолатларнинг судда тан олинмай, рад қилинганлидир. Вақт — оқар дарё. Бу воқеадан кейин бир йил ўтган, 1995 йилнинг август ойида оламдан ўтган уқаси Хамронинг дафн маросимига келган Йўлдош Бойназаров унинг маъракаларини ўтказиб, узок йўлда қайта овора бўлиб юрмаслик учун унинг ҳужжатларини расмийлаштириб кетишга қарор қилади. Ниятини қудасига айтиди ва 1995 йилнинг 31 август санасида Янгиарик тумани давлат нотариал идораси томонидан Гулора Матёкубова ва Йўлдош Бойназаров ўртасида квартирани автомашинага айирбошлаш хусусида шартнома тузилиб, у 1965-реестр рақами билан расмийлаштирилади. Ҳужжатларни тўлдирши ва уларни қайд қилиш чоғида томонлардан Гулора Матёкубова ва унинг турмуш ўртоғи Қўзибой Абдуллаева ҳамда Йўлдош Бойназаров ва унинг акиси Фарход Бойназаров иштирок этишади.

Шартнома қўлига текканидан хотиржам бўлган Йўлдош Бойназаров унинг бошқа ҳужжатларини қишлоқ фуқаролар йиғинига бориб расмийлаштириб ўтирмадан, "муҳими, уй ўзиники бўлди, унда қим рўйхатда турганининг нима аҳамияти бор?" деган ўй билан акасининг ўғли Курбонбойнинг олиасини уйга қиритиб, Тошкентга қайтиб кетди. 1997 йилнинг май ойида Курбонбой ушбу уйга рўйхатга қўйилди. Бу даврда унинг собиқ эгаси Гулора Матёкубованинг оила аъзолари ҳам ушбу манзилда рўйхатда туришарди. 1999 йилнинг 23 ноябрга келиб Қўзибой Абдуллаева ва унинг 4 нафар фарзанди рўйхатдан чиқарилади, Гулора Матёкубова бу уйда анчадан бери яшамаса ҳам рўйхатдан чиқарилиб қолган кетаверди. Гулора Матёкубовани қайси шайтон йўлдан урди, буниси ёлғиз Оллоҳга аён... Балки унинг "сув текинга қўлдан чиқариб

юбордим" деб ўйлагандир, балки "йўлини қилиб" яна оз-моз пул ишламоқчи бўлдимми, уйни қайтариб олиш пайига тушди. Ниятини амалга ошириш учун... 1999 йилнинг 20 январиде нотариал харакатни бекор қилиш ҳақида, квартирани автомашинага айирбошлаш шартномасини ҳақиқий эмас деб топши тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилди! Ана, холос! Орадан шунча вақт ўтиб

кетганда-я?! Хонқа туман судида 1999 йилнинг 24 февралда бўлиб ўтган суд мажлисида ҳолатлар атрофила урганилиб, гувоҳлар келтирган далил-исботларга асосланиб, даъво мuddати узриси сабабларга кўра ўтказиб юборилганлиги учун Гулора Матёкубованинг даъво талаби рад қилинади. Бундан норози бўлган даъвогар вилыот судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация шикояти билан мурожаат қилади. 1999 йил 9 апрелда судлов ҳайъати 3/66 сонли ажрим чиқариб, Хонқа туман судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиради. Муддаосига эришса олмаган даъвогар вилыот суди раёсатиға шикоят ёзгач, вилыот суди раиси С.Бердиқиличов имзоси билан 1999 йил 30 июнь куни назорат тартибиде протест киритилиб, Хонқа туман суди қарори ва вилыот суди ҳайъати ажримни бекор қилинади ҳамда бошқа таркибиде қайта кўриш учун иш Хонқа туман судига қайтарилади. Аниқлик қиритилш мақсидида эса 4 банддан иборат вазифа оқулатилади.

2000 йилнинг 6 июнида судья Баҳром Хўжаниёзов расиллиғиде бўлиб ўтган суд мажлисида даъвогарнинг хозирги даврда ҳам низоли уйда рўйхатда туришини, уйни машинага айирбошлаш шартномасидан бехабар эканлигини инобатга олиб, даъвогар томонидан даъво мuddати ўтказиб юборилганлигини узрли деб топиб, ишни Гулора Матёкубованинг фойдасига хал қилган. Суд қарори билан Янгиарик тумани давлат нотариал идораси томонидан 1995 йил 31 августда расмийлаштирилган квартирани автомашинага айирбошлаш шартномаси ҳақиқий эмас деб топилди, Йўлдош Бойназаров уйга эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Суд мажлисида иштирок этмаган жавобгар эса ушбу қарорни кечики олганлигини мақола авваллида таъкидлаган эди.

...Судда даъвогар Гулора Матёкубова ўз номида бўлган уйни ҳеч қандай машинага алмаштирмаганлигини, шунча йилдан бери эри мениб юрган машина қимкинги эканлигини билмаслигини, эридан сўраганида "ўртоғимники" деб айтганлигини, 1998 йилнинг декабрь ойида машинани таъмирлаш учун устага бораётганда тасодифан унинг техник паспортини кўриб қолгач,

квартирани машинага эри алмаштирганлигини хабар топганлигини ва шу боис, судда даъво аризаси берганлигини айтиди. Суд ҳужжатларида баён этилган юқоридеги фикрларни ақл тарозусига солиб, бир тахлил этиб кўрайлик. Эр-хотин бир оилада яшаб туриб, бир кун эмас, бир ой эмас, 4-5 йилдан буйён эри ҳайдаб юрган машина қардан келганлигини наҳот хотини билмас-а?! Бунга ишониш мумкинми? Майли, шундай ҳам бўлди дейлик. Аммо суд томонидан машинага тегишли бўлган ҳужжатлар чуқурроқ ўрганилганида эди, юқоридеги тилга олинган нотариал шартномага асосан Гулора Матёкубова номига 1996 йил 20 июнь куни М-2140 русумли ранги сарик, двигателъ рақами 3589014, кузов рақами 930049, шоссес рақами 1155416 бўлган автомашина қайд қилиниб, 3 2677 Х3 давлат

Судья Баҳром Хўжаниёзов ишдаги ҳужжатларни тахлил қиларкан, Янгиарик тумани давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган шартномадаги имзо қимкинги эканлигини аниқлаш мақсидида 1999 йил 18 август куни тахтшнослик экспертизаси тайинлашга қарор қилади. Бу ҳақда ажрим чиқариб, Хоразм вилыоти ички ишлар бошқармасига тақдим этади. Номаяълум сабабларга кўра, судда танефурус қўзилиб кетади. Вилыот ички ишлар бошқармаси ЭКБ бошлиги милиция майори М.Н.Қараев имзо қўйган 1999 йил 27 декабрдаги 2075-сонли маълумотномада "нотариал шартномадаги "Матёкубова" деган фамилиянинг олдида имзо қўйилмаганлиги сабабли у қимкинги эканлигини аниқлаш имконияти йўқ", деган мазмунда фикр баён этилган. Бун қандай тушуниш керак?! Суд хатшнослик экспертизасига қайси ҳужжатни тақдим қилди экан? Ахир ишининг 74-бетиде нотариал шартноманинг имзо қўйилган хусуси турибди-ку!

Наҳотки, бор-ўйги битта имзони аниқлаш учун 4 ой вақт зарур бўлса? Ушбу маълумотноманинг нақд бир ой деганда — 2000 йилнинг 28 январиде судде этиб борганига нима дейсиз? Вақтини таъкидлаётганимиз боиси, бу иш билан боғлиқ қанча кишилар сарсон бўлмади дейсиз! Бу сарсон-саргардонлик яна б ой давом этгани эса уларнинг хафсаласини пир қилиб юборгани аниқ, Ачинаришини шундики, суд қарориде "...

шунингдек, суд қараёнида илгари тайинланган хатшнослик экспертизасининг ҳулосаси билан тўлиқ тасдиқланди", деган фикр баён этилган. Бун эса изохлашга тик ожаз. Яна бир изохтаб гап: суд томонидан давлат нотариал идораси амалга оширган ҳар қандай нотариал харакат ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинганга, хусусий ажрим чиқарилиб, юқори адлия тахшилотига тақдим этилиши, бу ҳолат малака комиссияси томонидан чуқур ўрганилиши ва йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилиш учун муайян чоратadbirlар белгиланиши лозим эди.

Ургач туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида сакланган тақдим мазкур иш билан танишганимизда ҳам, Хоразм вилыоти адлия бошқармаси бошлиги билан суҳбатлашганимизда ҳам бундай ажрим ҳақида ҳеч нарсә билә олмадик. Узок давом этган танафурусдан сўнг бўлган яқуловчи суд мажлисида жавобгар ва жавобгарнинг вакили Фарход Бойназаров ёки адвокати Султоноғаша Абдиевнинг биронтаси қатнашмаганлиги боис суд қабул қилган қарордан бир ойдан сўнг ҳабардор бўлишгани аниқ. Суд қарори 2000 йилнинг 2 июлида 581-чиқис рақами билан 104-сонли қивтанягача мувофиқ почта орқали жавобгар Йўлдош Бойназаровга, 582-чиқис рақами билан 103-сонли қивтанягача мувофиқ жавобгар вакили Фарход Бойназаровга жүнатилган. Ижро варақаси эса 7 август куни Янгиарик туман суди раиси К.Яхшимуродов номига 656-чиқис рақами билан юборилган. Суд қарори қучга қиргач, ижро қилиниши тайин гап. Шундай ҳам бўлди, суд ижрочиси Х.Абдиев томонидан уй Гулора Матёкубовага қайтариб олиб берилди, Йўлдош Бойназаровга эса 2000 йилнинг 21 декабрда тақлифнома жүнатиб, автомашинани Янгиарик тумани М.Маткаримов ширкат хўжалигининг 2-бригадасиде яшовчи Гулора Матёкубованинг уйддан олиб кетишини, акс холда суд қарори мажбурий ижро қилиниши ҳақида огоҳлантириш ҳам қўяди.

Мана шунанга гаплар. Йўлдош Бойназаров Тангридан наҳот истаб ўтиравермай, ўз хуқуқини талаб қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Прокуратурасига "додини" ёзиб юборди. Аризасига Хоразм вилыоти фуқаролик ишлари бўйича суди раиси О.Дўсханов имзолаган жавоб хатини олдию, тарвуси қўлтигидан тушди. Жавоб хатиде суд қарори тўғри қабул қилинган, деб қўрсатилган эди... **Аминбой ОРТИҚБОВ**

Сухбам

ХУСУСИЙ ГАЗЕТАНИНГ ФАРҚИ НИМАДА?

Пул билан ўлдириш дейлади, хўрлаш дейлади, бу усул?..
— Яширин реклама ҳақида эса қонун ҳам йўқ, бу ҳақда матбуотда ҳам кам гапирилади.
— Бир қатор кишилар рекламалардан безиб бўлдилар, улар рекламага, тижорий чиқиларга ишонмасликларини аширмайдилар. Бун аниқлаган баъзи раҳбарлар иширин рекламани афзал билишади. Журналист қўлига нақд пул берган раҳбар, унинг жамоаси, жамоанинг ишлари ҳақида ибратли муаллифик мақола, очерк ёки репортаж тайёрлаган ҳоллар афсуски кам эмас. Бу жуда ҳам ҳафли. Чунки тўғридан-тўғри рекламани қабул қилиш-қилмаслик ҳар бир газетхоннинг ўз хоҳиши. Аммо одамларимиз шу вақтгача матбуот сўзига ишонч, илхос билан қараб келганликларини ҳисобга олсак, жиддий нарсә эмасми бу! Оддий газетхон илгамас-да, ҳаммаслабери муаллиф таъмағирлик эвазига ёганлигини сатрларидан сезиб туриши ҳам аянчли.

Хусусий газетлада ишлайдиган ходим очик ёки яширин реклама уюштиришига ҳожат йўқ.
— Бир қатор давлат газеталарининг тиражи кўрсатилмайдиган бўлди. Сабаби аниқ — тираж тушиб кетган, ёзишдан уялишади. Аини вақтда хусусий газеталар, жумладан, бизнинг "Эрудит"нинг тиражи, гарчи уларга иктиёрий-мажбурий оубна ташкил этилмасад-да, анча юқори. Бунинг сирни нимаде? Базъилар, "Эрудит"нинг хар сониде бир қатор бошқотирмаларга ютқлар — болалар велосипедидан тортиб, чет эл оромгоҳига йўлланмагача қўйилаётгани билан боғлашади.
— Йўқ, бундай эмас. Эътирозимни аниқ рақамлар билан исботлаб бераман. Душанба куни чиқадиган "Эрудит"нинг (газетамиз ҳафтада уч марта босилапти) ўзбек тилидаги тиражи 30000, рус тилидагиси 16000 атрофида бўлса, шундан 1000 та ва 300-400 тасининг қонунини уйда иштирок этади, холос. Колган газетхон-



маош бўлмасди — бажарилган ишга қараб туланарди. Бизда эса 10-15 кун изланади, чуқур тахлил этилган бир мавзунни кўтариб чиқса ҳам, шунанга ҳажмидаги шунчаки, осон ёзилган материал учун ҳам даярли бериш хил қанга ҳақи олади.
— Бориники, ўша ярим ойда тайёрланган мақолага 2-3 мин берилсин. Муаллиф яна шундай материал тайёрлаш-тайёрламаслик ҳақида ўйлаб қурадим? Бугунги кунда ҳам хорижда журналистикага оид кучли ишлар алоҳида тақдирланади. Аслида журналистика жамяятдан ярим қадам илгари юриши керак.
— Вилыот газеталарини тажрибали журналистлар бериш-кетин тарк этаётганлиги ҳам нашр савиясига, тиражига таъсир кўрсатадими?
— Кадрлар бугунги журналистиканинг энг огриқли нуқ-

Ишлаётган одамлар

ҚОНУН АДОЛАТ ХИЗМАТИДА

Кумқўргон туманидаги "Турди бобо" фермер хўжалиги Денов "Вино-арок" ҳиссдорлик жамятига контрактация шартномаси асосида узум етиштириб топширгани ва пулини ололмагани ҳақида мурожаат қилди. Биз фермерга вилыот хўжалик судига мурожаат қилишини маслаҳат бердик.
Фермер Сурхондарё вилыоти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Хўжалик суди эса жуда қисқа муддатда ариза юзасидан Ҳал қилув қарори чиқарди. Ишининг бунчалик тез битганига ишонгимиз келмади. Шу сабаб бўлди-ю, Сурхондарё вилыот хўжалик суди фаолияти билан қизикдик.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг "Сурхондарё вилыоти хўжалик судининг ижобий амалиёти ёйиш ва рағбатлантириш ҳақида"ги 17.05.2001 йил № 173 сонли буйўрғидан кўчирма:
"Сурхондарё хўжалик судининг раиси Н.Собировга ўз хизмат вазифасига сикдикилдан ёндашиб, дехқон, фермер ва ширкат хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар ва оливайи пудратчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга қаратилган тадбирларни юқори даражада ўтказганлиги, хўжалик судларининг нуфузини кўтаришдаги хизматлари учун ташаккурнома эълон қилинсин".

Мақолали хўжалик суди раиси Нормат Собировнинг фаолиятидан бошлаганимиз бежиз эмас. Тажрибадан маълумки, бирор ташкилот фаолиятининг яхши бўлиши ҳам, ёмон бўлиши ҳам ташкилот раҳбарининг салоҳиятига боғлиқ. Зеро, биз вилыот маркази — Термиз шахрга келиб, вилыот хўжалик судининг бир қавати биноси ва мўъжазига ҳовлисидеги озодалик ва тартибни кўриб бироз ажабландик ҳам. Негаки, бундай озодалиқни ҳар ерда ҳам учратиш қийин. Шунинг ўзиёқ бизнинг раис ҳақидаги тасавурумизни ўзгартириб юборди.
Халқимизда "Ўз бор эшитгандан бир бор кўрган яхши" деган мақол бор, деди раис дангалига, — Хуллас, ўларнинг кўринлар, баҳо бериллар ишларимизга...

Республикамизда "Ер кодексини", "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Ер кадастри тўғрисида"ги қонунларнинг амалиёти, истиқболни белгиловчи бир қанча ҳужумат қарорларининг қиқши натижасида халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш учун етарли қонуний асослар мавжуд. Ҳамма гап шу қонунларни амалга тadbик этишда.
Янги қонунларни ҳаётга тadbик этиш ҳам анчайин мураккаб жараён. Одатда қонунлар ўз ижроси билан қонунга айланади. Хозир республикамиздаги хўжалик судларининг олдида турган энг долзарб вазиғалар ҳам давр талаби билан юзага келган янги қонунларни жамяят онгига сингдириш, десак хато бўлмайди.

Омавий ахборот воситалари бизнинг энг яқин ҳамкоримиз, — дейди суҳбатда суд раиси. — 2001 йилнинг биринчи ярмида 6 марта радиода, 38 марта телевидениеда, 11 марта газеталарда чиқиб қилдик; Бу тарғиботларимизда барча хилдаги тадбиркорларга ўз ҳуқуқларини, хўжалик судининг иш тартиби ва имкониятларини ҳақида тушуна бердик. Матбуот билан ҳамкорлик ўз натижаларини берди. Масалан, хўжалик судига 2000 йилнинг биринчи ярмида 869 та ариза тушган бўлса, 2001 йил шунча вақт ичиде 689 та ариза тушди. Кўриб турибсиз, аризалар сон 180 тага қамайган. Бу қамайишга сабаб, тарғиботларимиз тўғрисида жойларда кишиларнинг қандай ҳолатда хўжалик судига мурожаат қилиш зарурлигини аниқлашганлиги ва ўз ҳуқуқларини, қонунларни билганлиги тўғрисида жойларда низоларни ўзаро қелишиб бартараф қилаётганликларидан деб биламан.

Хўжалик судининг ўзиға хослиги шунданки, бу суд халқ хўжалигидеги иқтисодий муносабатларнинг чорраҳасиде туради. Корхона ва хўжалиқлар фаолиятини аниқ ва раво юргизишнинг асосий омил эса шартномалардир. Лекин бу оддий ҳақиқатни англаб этмаган ёки менимайидан раҳбарлар ҳам кам эмас. Тахлил қилинганда вилыотда тузилган қўп шартномалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353, 181-моддаларининг талабларига тўлиқ риоға қилинмаган ҳолда тузилганлиги аниқланди. Шартномаларга нописанд қарашининг илдизи бироз чуқурроқ. Лекин вилыот хўжалик суди имконияти бу иллатни йўқотишга харакат қилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидеги корхона ва хўжалиқлар иштирокида 2000 йилда кўриб чиқилган 121 ҳолатда жавобгарлардан 1 миллиард сўмдан ортиқроқ маълум ўндирилди. Шартномалари бажармаслик натижасида фуқароликлар ва корхоналар наҳақат катта моддий зарар, балки шу корхоналарда хизмат қилаётганлар катта маънавий зарар ҳам қўрмоқдалар.

Иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг ҳуқуқий шакли бўлган шартномаларни бажармаслиги яна бир катта муаммони келтириб чиқаряпти, — дейди қуюнби Н.Собиров. — Шартномаларни бажармаслик натижасиде корхона ва хўжалиқларда дебитор-кредитор қарзлар қупайиб кетмоқда. Очигини айтсам, Вазирлар Маъжмасининг "Халқ хўжалигиде дебитор-кредитор қарзларни қамайитириш ҳақида"ги 1998 йил 12 майда чиқарилган қарори қоникар-сиз бажарилмоқда.
Дарҳақиқат, хўжалик суди судьяларининг қатъиятсизлик-да айлаб бўлмайди. 1998 йил 28 сентябрда Шеробод туман ҳокимининг 285-сонли қарори билан аттестациядан ўтмаганлик асос қилиниб, 30 га яқин фермер хўжалиқлари фаолияти ноқонуний тугатилган эди. Кечики бўлса-да, вилыот хўжалик суди томонидан мазкур фермер хўжалиқларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Вилыот хўжалик судида қўрилаётган ишларнинг қўлами кенг.
— 2001 йилнинг биринчи ярмида судимизга 689 та ариза тушди, — дейди суд раиси. — Шулардан 619 таси кўриш учун қабул қилинган. Судьяларимизнинг сони 3 нафар. Уларнинг ойллик иш ҳажми 41 тани ташкил этади. 6 ойда банкротлик бўйича 22 та иш қўрилди. Колган ишларни давлат реестридан чиқариш, контрактация шартномалари ва бошқа турдаги низолар ташкил қилган. Уш ҳажми катта. Лекин бу ишимизнинг сифатига салбий таъсир қиллолмайди. 619 та иш қўрилиб, 6 ой давмида 46 та иш апелляция тартибиде қўрилди. Шундан 8 таси бекор қиллинди, 7 тасига ўзгартириш киритилди. Жамя 23 та кассация шикоятни рўйхатга олинди. Шундан 10 та иш кассация тартибиде кўриб чиқилиб, 8 таси ўз кучида қолдирилди, 2 тасига ўзгартириш киритилди, холос.

Жорий ярим йилда вилыот хўжалик суди томонидан жамя 3095983 миллион сўм ўндирилган, 140 та хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига нисбатан чора кўрилган, 4 та жиноий иш қўзғатилган, 82 та маъмурий чора қўрилиб, 127 нафар шахсга нисбатан 1640 минг сўм жарима солинган. 12 та интизомий чора белгиланиб, икки раҳбарнинг эғаллаб турган лавозимидан бўшаптилиши ҳақида ажрим чиқарилган.
Республика Олий хўжалик суди раисининг 2001 йил 18 майдаги № 01/184 сонли, Қоракалпоғистон Республикаси, вилыотлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига юборган хатидан кўчирма:
"...Сурхондарё вилыоти хўжалик судларининг ижобий амалиёти ҳақидаги мазкур ахборотни ва буйруқни сизларга юборар эканман, уларни судьялар ва бошқа суд ходимлари билан биргаликда муҳокама қилиб, ширкат, дехқон ва фермер хўжалиқлари, оливайи пудратчилар ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини қучайитириши, амалга оширилатган ишлар ҳақида радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида доимий равишда долзарб мавзуларда чиқилар ташкил этиш-шигизни сўрайман".

Эссе

Голобона қўшинлар фашистлар Германияси армиясини тор-мор қилиб ва маҳв этиб, Дрезден галереясининг суратларини Москвага олиб келишди...

Навжувон онани кўрдим. Биринчи марта мева берган но-зик-нихол олма дарахтининг латофати...

Василий ГРОССМАН зинчи ранг келиб қўшилгандай. Нима учун она чехрасида кўрқудан асар йўқ ва унинг кўзлари ўғлининг гадаси теваратида фарзандининг...

СИЁСТ МАДОННАСИ

Сикст Мадоннасини кўра-симдан аввалок бир нарсани тун-шундими — мен мангулик деган сўздан энгилтаклик билан фойдаланиб юрган эканман...

Яъни энергиянинг моддага айланиши жараёнини тасаввур қила олмаймиз. Бунда эса руҳи қувват, оналик модалашади, ювешоғина Мадоннага айланади.

Мадоннада кўриш мумкин. Унинг қўлидаги бола менга янада дунёвийроқ куради. Онасининг юзига қараганда боланинг юзи катталарникига кўпроқ ўхшайди.

Бу суратни инсонларнинг ўн икки авлоди томоша қилиб ўтди — бу, курраи заманда йиллар санаоғи бошлангандан бери ўтган одамларнинг бешдан бир қисмини ташкил қилади.

Мадоннанинг чиройи бу замандаги ҳаёт билан чабарсан болганган. Унинг ҳусни таважжуи оддий одамларникига ўхшайди.

Юрак сиқилади, лекин бунинг боиси ваҳима ёхуд бироқ оғрик эмас. Бунинг боиси аллақандай анги, илгарди хеч кечирилмаган тўйғу инсоний тўйғудир ва у янгики, гўёки денгизнинг шўри ва аччиқ қаридан сарқаб чиққандай, бу тўйғу қаранг, унинг гайи оддийлигидан ва янгиалигидан юрак даяқилиб кетган.

Фаоляят

КУВАЛИК ИШБИЛАРМОН
Фарғонада Абдували Исмоиловнинг яқин билишиди. Бу жонқур меҳрибон инсон кўп йиллардан бери кўна Кувада катта-кичик лавозимларда ишлаб...

СИЗ ҲАМ АЁЛ...МИ?!
Иўлда бораётиб, кўлдан бери хаёлимда юрган бир холатга тузулрок аҳамият бериб рази ташладим. Негадир охириги пайтларда ҳамма ерда — кўчани у, бозорни, бошқа бир жамоат жойими, одамлар орасида рўпарадан келаётганларга йўл бермай, тўрига бир-бирининг устига босиб бориш одати холга айланган қолди.



Жажжи қизалогимиз Маржона! Туғилган кунинг муборак бўлсин! Илоҳим, узоқ умр кўргин. Яқинларинг бахтига ҳамиша соғ-омон юргин. Сенга дунёдаги барча эзгуликлар ёр бўлишини тилаб...

Хотура

«УНУТМОҚ ОСОНМАС БИЗЛАРНИ...»
— Иқбол ака, сиз кўпгина шеърларни қўшиб бўлган шоирсиз. Марҳум хонанда Охунжон Мадалиев билан...

Лекин баъзан шунақа гапларни айтиб қолардики, беихтиёр берадиринг. Бир фикри образлиги билан эсимда қолган. Мен у кишидан «Дам олишнинг биласизми?» деб сўрадим.

Уларнинг иккови бир ва иккови ҳам айрим-айрим. Улар кўрадиган нарсасини бирга кўришди, бирга хис қилишди...

— Охун ака билан 1988 йилнинг ёзида полвон Турсуни Али Мухаммаднинг Водилдаги хонандонидан танишганимиз. Уша кўни Фарғонадаги катта стадионда учрашув бўлганди.



Архив фотоси

Кўчалар бўладикки, унда айна болалар ўзларининг оқиллиги, хотиржамлиги, мурасоолиги билан катталарни лол қолдиради.

— Мену қўятуриш. Мавзудан чагмайлик. Ўша ёзининг илқ ховлисида полвоннинг келвасида мушоира тўн ярмигада чўзилди.

СИЗ ҲАМ АЁЛ...МИ?!
Иўлда бораётиб, кўлдан бери хаёлимда юрган бир холатга тузулрок аҳамият бериб рази ташладим. Негадир охириги пайтларда ҳамма ерда — кўчани у, бозорни, бошқа бир жамоат жойими, одамлар орасида рўпарадан келаётганларга йўл бермай, тўрига бир-бирининг устига босиб бориш одати холга айланган қолди.



Жажжи қизалогимиз Маржона! Туғилган кунинг муборак бўлсин! Илоҳим, узоқ умр кўргин. Яқинларинг бахтига ҳамиша соғ-омон юргин. Сенга дунёдаги барча эзгуликлар ёр бўлишини тилаб...

Озод ШАРАФИДИНОВ таржимаси
(Давоми келгуси сонда)

Ташвиш
Иўлда бораётиб, кўлдан бери хаёлимда юрган бир холатга тузулрок аҳамият бериб рази ташладим. Негадир охириги пайтларда ҳамма ерда — кўчани у, бозорни, бошқа бир жамоат жойими, одамлар орасида рўпарадан келаётганларга йўл бермай, тўрига бир-бирининг устига босиб бориш одати холга айланган қолди.

СИЗ ҲАМ АЁЛ...МИ?!
Иўлда бораётиб, кўлдан бери хаёлимда юрган бир холатга тузулрок аҳамият бериб рази ташладим. Негадир охириги пайтларда ҳамма ерда — кўчани у, бозорни, бошқа бир жамоат жойими, одамлар орасида рўпарадан келаётганларга йўл бермай, тўрига бир-бирининг устига босиб бориш одати холга айланган қолди.

«УНУТМОҚ ОСОНМАС БИЗЛАРНИ...»
— Иқбол ака, сиз кўпгина шеърларни қўшиб бўлган шоирсиз. Марҳум хонанда Охунжон Мадалиев билан...

«УНУТМОҚ ОСОНМАС БИЗЛАРНИ...»
— Иқбол ака, сиз кўпгина шеърларни қўшиб бўлган шоирсиз. Марҳум хонанда Охунжон Мадалиев билан...

Эҳтиром
НУРГА ТЎЛГАН ИЗ
Устоз Саида опа хотирасига
Шеърингиздан қанд жийда гулин ифори, Сиз эдингиз Саид Аҳмад юрагин тори.

Кутураётган доллар шаштидан тушибди...
Эълон
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган № 177 рақамли гувоҳнома йўқоқ-ганлиги сабабли бекор қилинади.